Иқтисод ва ислоҳот

# ЛИЗИНГ: ИМКОН, САМАРА ВА РИВОЖ

## ЁХУД ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА УНИНГ МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 99 фоизи нодавлат секторга тўғри келади. Статистик маълумотларга кўра, 2002 йилда жами қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган бошоқли доннинг 27,3 фоизи, пахтанинг 25,5, сабзавотнинг 4,4, чорва маҳсулотларининг 2,5 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келган. 2003 йилнинг октябрь ойига келиб, уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғи (2002 йилга нисбатан) 5,5 фоизга ошган.

Бу рақамлар фермер хўжаликларининг ривожланиб бораётганлигини кўрсатиш билан бирга, ҳали мавжуд имкониятларни тўла ишга солишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар борлигини ҳам айтиб турибди.

Масалан, молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, асосий воситаларга талабнинг кун сайин ортиб боришида кўпгина муаммолар ечими — бу, лизинг муносабати. Лизинг — шартнома бўйича келишилган муддат ичида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини лизинг ҳақини олиш йўли билан лизинг берувчи томонидан уни олувчига беришдир. У асосий воситаларни сотиб олишда қўлланилади. Ўзаро муносабатларни амалга оширишда 3 томон иштирок этади. **Бир томондан** — асосий воситаларни сотувчи корхоналар, **иккинчи томондан** — ушбу воситаларни фойдаланишга олувчилар (тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес корхоналари), **учинчи томондан** эса асосий воситаларни ижарага берувчи ташкилотлар (тижорат банклари, махсус лизинг компаниялари, ортиқча бўш маблағи бўлган корхона ва ташкилотлар) киради.

Ҳукуматимизнинг 2000 йил 2 ноябрдаги **«Лизинг бўйича қишлоқни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»**ги қарорига кўра хўжаликларда ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, техника турларини лизинг бўйича етказиб бериш механизми ишлаб чиқилган. Мазкур механизм операциялари қиммат баҳоли асосий воситаларни сотиб олишга қурби бўлмаган хўжаликларга турли шаклдаги инвестицияларни жалб этиш имконини беради ва натижада хўжаликлар моддий-техника базаси мустаҳкамланиб олади.

Ҳозирги кунда республикамизда 14 та лизинг компанияси фаолият кўрсатаётган бўлиб, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ва «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Масалан, «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги корхоналари учун машиналар олиб келиш ва уларни тадбиркорларга ҳамда корхоналарга лизинг асосида тақдим этиш билан шуғулланади. Компания янги замонавий технологиянинг 20 фоизини олдиндан тўлаш асосида тақдим этади. Қолган сумма 5 йил давомида лизинг тўловчи томонидан тўлаб борилади. Шунингдек, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси 7 йил муддатга асосий воситани лизингга беради.

2002 йил 28 августдаги **«Лизинг фаолиятини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонга мувофиқ: лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан; лизинг бериш учун мамлакат ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари (ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда) божхона тўловлари ва қўшилган қиймат солиғидан; лизинг оладиган хўжалик мулкка эгалик солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қилгунча бўлган муддатгача озод қилинадилар.

Булардан ташқари лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитнинг фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммалари ҳам унинг жами даромадларидан чегириб ташланади.

Бунинг учун лизинг муносабатларини ривожлантириш ва янада самарали бўлиши учун: лизинг муносабатлари ҳақида фермерларга тўлиқ маълумотлар берилишини таъминлаш, жаҳон амалиётида лизинг муносабатларини мунтазам ўрганиб бориш ва уларнинг ижобий жиҳатларини амалиётга жорий этиш лозим бўлади.

Бундай имкониятларнинг яратилиши — фермер хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаши, шаксиз.

**Мирсарвар АБДУЛЛАЕВ,**
**Зафар МАШАРИПОВ,**
**Тошкент молия институти магистрлари**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент давлат шарқшунослик институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда фалсафа фанлари доктори Темур Жўраев «Халқаро терроризм — давримизнинг хавфли иллати», профессор Нажмиддин Комилов «Халифалик: уйдирма ва ҳақиқат», тарих фанлари номзоди, доцент Музаффар Комилов «Экстремизмнинг ғоявий асослари» ҳамда сиёсатшунослик фанлари номзоди, доцент Улуғбек Идировлар «Демократия ва хавфсизлик муаммоси» мавзуларида маъруза қилишди.

Йиғилишда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этишди ва ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Орамиздаги одамлар

# ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАДИ

## БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ

Қодир Авезимбетов 80-йиллар охирларида Москвадаги катта бир кўргазмадан ширинмия илдизининг дунё бозоридаги нарх-навоси, ундан олинадиган маҳсулотлар бозоргирлигини ўрганиб, «оёғимиз остида тилло ўсиб ётган экан-у...» деган фикр билан қайтди. Сўнгра хўжаликда уни етиштиришга саъй-ҳаракат қилди-ю, аммо ўша даврнинг мавжуд қонун-қоидалари бунга имкон бермади.

Мустақиллик йиллари у узил-кесил тадбиркорлик билан шуғулланишга ўтди: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирди, қурилиш материаллари ишлаб чиқарди, олди-сотди билан шуғулланди, бировдан кам жойи йўқ: фарзандларини, беш-ўн нафар ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади. Лекин кўнглида ёввойи ҳолда ўсиб ётган «олтин» — ширинмияни (Қорақалпоғистонда уни «бўян» дейишади) ҳар кўрганда эски орзуси «туртиб» қўяверди. Ниҳоят икки йил олдин Германияга беш-ўн минг долларга экспорт қилинган бўян илдизи баҳона ўзига шерик топди. 80 минг доллар Низом жамғармаси билан «Лико-Роотс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси вужудга келди.

Корхона 54 фоиз акциясини сотиб олган, 4 йилдан буён ишламаётган ва ярим хароба ҳолига келган Беруний темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси биносининг бир қисмида фаолият кўрсата бошлади. Дастлаб иншоот тартибга келтирилиб, ускуналар монтаж қилинди. Йилига 100 тонна ширинмия илдизи экстракти ва 100 тонна турли хил мева, полиз ҳамда сабзавот концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга линия ўрнатилди. Илк синов маҳсулоти ишлаб чиқарилган кун жамоа аҳли учун байрамга айланди.

«Лико-Роотс»нинг ҳозирча хашамдор офиси, миллион-миллион даромади йўқ — иш энди бошланди, ахир. Ўнлаб қишлоқ одамлари муқим иш ўринларига эга бўлишди. Боз устига уларнинг ҳар бири ой сайин нақд 50 минг сўмгача маош олишяпти. 45 киши ишлаб чиқариш цехида ва яна 45 киши 200 гектарлик бўянзорда меҳнат қилмоқда.

Корхонага Қораўзак туманидан ҳам 400 гектар ер ажратилди. Бу йил кузда бу майдонларга ҳам бўян экилади. Демак, Қораўзакда яна 50 нафар ишчига мавсумий юмуш туғилади. Сирасини айтганда, бўян — унчалик меҳнатталаб экин эмас. Экилган йили сувига қараб турсангиз, бас, кейин унчалик сувга эҳтиёж сезмайди, тўрт йилдан кейин ҳосилини олаверасиз.

— Бўян шўр ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда катта аҳамиятга эга, — дейди Қодир ака. — Унинг пояси серяпроқ бўлиб, олимлар фикрига кўра ер шўрини олади, буғлантиради. Натижада, тупроқ шароити ўнгланиб, ҳосилдорлик ошиб бораверади. Ҳозир ҳудудимизда фермерларга берилаётган ерларнинг бир қисми шўр эканлигини ҳисобга олсак, келгусида улар ҳам бизга бўян хомашёси етиштириб беришлари мумкин. Шу боиски, туманларнинг раҳбарларига, фермерларига ўз таклифларимизни айтдик. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг **«2003-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»**ги 2002 йил 1 август қарорида бўян етиштириш ҳам кўзда тутилиб, режалар белгиланган. Уни етиштирган деҳқонлар сотиш муаммоси ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Мана, харидор биз, қайта ишловчи корхонамиз тайёр.

Яна бир нарса: фақат Берунийдагина эмас, Қорақалпоғистон Республикасининг қатор ҳудудларида мавсум пайти помидор, сабзи, карам, олма маҳсулотлари нархи сув текин бўлиб, баъзан деҳқонлар сарф-харажати-ю, уни сотиш баҳосини ҳисоб-китоб қилишади-да, (йўлкирага ҳам етмаслигидан) етиштирилган ҳосилни... молининг охурига тўкиши, бор гап. Шунингдек, қовунни олинг, эртаги қовун — гурвак пишганда йўл ёқаларида уюм-уюм ҳолоблар харидор «кутиб» сарғаяди... «Лико-Роотс» бу йилги мавсумдан бошлаб, томат, қовун, қовоқ, олма ва бошқа мева-сабзавот концентратларини ҳам ишлаб чиқара бошлайди. Муҳими, деҳқоннинг меҳнати ҳам, маҳсулоти ҳам қадр топади...

— Маҳсулотни бозордагидан қимматроқ оласизми ёки арзон?

— Хомашё бизга керакми, уни деҳқоннинг даласидан ўзимиз бориб оламиз. Савдоси келишилади...

Қодир аканинг ҳисоб-китоблари: илгари четга бир тонна бўян илдизи 300 долларга сотилганди. Ҳозир эса экстракт тоннасининг нархи 2000 доллар. Унинг олиниши эса камида 25 фоиз! Ўртадаги фарқни ўзингиз хомчўт қилаверинг.

Ишлаб чиқариш жараёнида ундан олинадиган оралиқ маҳсулотлар ҳам бор: ўт ўчириш ҳоллари ва ювиш воситалари таркибида қўлланиладиган кўпик олинади. Энг охирги чиқинди — қипиқдан ДВП плиталари ишлаб чиқариш мумкин... Қодир Авезимбетов ҳозир ана шу лойиҳалар изидан қувиб, инвестор излаяпти, кредит олиш ҳаракатида. Хуллас, югур-югур кўп. Ахир пул осмондан ёғилмайди-да...

Энди ўйланг: агар ҳар бир қишлоқда лоақал бир нафардан шундай тадбиркор бўлса эди... Изланиб ишласайди... Имкон ҳам унинг изидан ўзи борарди.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Тақриз

# МОЗИЙ САБОҚЛАРИ

Алихон Тўра Соғуний номини эшитмаган, асарларини ўқимаган киши юртимизда топилмаса керак. Домла 1967 йилда «Гулистон» журналида «Темур тузуклари»ни ўзбек тилида нашр эттирган шижоатли олим эди.

Холислик билан таъкидлаб ўтмоқ лозимки, домла Соғуний аввало, ислом дини соҳасида кўзга кўринган алломалардан бири бўлиб, унинг «Тарихи Муҳаммадий» асари чоп қилингач (1991 йил, иккинчи нашри 1997 йил), олим ислом оламида шуҳрат қозонди. Шу билан бирга, Алихон Соғуний Шарқ тарихининг, айниқса, Туркистон тарихининг ҳам чуқур билимдонидир. Бундан ташқари, у «Асосул-ислом» («Ислом асослари»), «Шифоул-илал» («Иллатлар шифоси») каби тиббиётга доир асарлар ҳам ёзган. Шунингдек, Аҳмад Донишнинг «Навоидир ул-вақое» («Нодир воқеалар»), Дарвиш Али Чангийнинг «Мусиқа рисоласи», Херман Вамберининг «Бухоро, ёки Мовароуннаҳр тарихи» асарларини ўзбекчага таржима қилган. Шоир сифатида «Девони Соғуний» номли шеърий тўплам ҳам тузган.

Домла Соғунийнинг тарихий асарлари орасида биринчи марта ўтган йили нашрдан чиққан «Туркистон қайғуси» китоби алоҳида ўрин эгаллайди. Асарни қўлёзмадан нашрга тайёрлаган (муаллиф набираси) Увайсхон Тўра Шокировнинг китоб муқаддимасида ёзишича, «Туркистон қайғуси»дан айрим парчалар Ватанимиз мустақиллиги эълон қилингач, «Ёшлик» журналида ҳамда «Ўзбегим» номида чиққан тўпламнинг «Ватан» рукнида босилган.

Китоб етти йил давомида — 1966-1973 йиллари ёзилган бўлиб, бу давр мустабид совет тузуми авжи куч-қувватга тўлган, шон-шуҳратининг чўққисида бўлган йиллар экани барчамизга маълум. Ватан озодлиги ҳақида сўзлаш ҳатто ўйлаш ҳам хавфли бўлган мана шундай муҳитда биринчилардан бўлиб Алихон Соғуний «Туркистон қайғуси» китобини яратди. Муаллиф ўз асарида советлар замонида инсон ҳуқуқлари паймол қилингани ҳақида ачиниб ёзади: «... Энг улуғ, олий даражали яратилган нарса — шубҳасиз, инсондир. Шунинг учун инсон ҳуқуқларини энг юқори даражада сақлаш ҳақиқий маданиятнинг айрилмас бир тармоғидир. Маданият қаерда бўлса ҳам инсон ҳақи (ҳуқуқи)ни сақлаш учун ҳукумат қўлида адолат қуроли бўлиб турар экан, ана шу чоғдагина бутун халқ... тинчлик билан роҳатда турмуш кечира олади». Муаллифнинг бу фалсафий мушоҳадалари тарихда ўтган Афлотуну, Арасту, Форобию Берунийларнинг инсон ҳақидаги таърифларига эш бўлиб кетади.

Алихон Соғунийнинг ушбу янги асарини ўқир эканмиз, муаллифда Ватан туйғуси ва ватанпарварлик ҳисси ниҳоятда пок ва ўткир эканини англаймиз. Мана шу муқаддас туйғу уни қартайиб қолганига қарамай, ўзи бошидан кечирган ва бевосита иштирок этган воқеалар мисолида Туркистон тарихининг қайғули даврини тарихга муҳрлаш учун қалам тебратишга ундади.

«Мен... яралишимдаёқ инсонпараст эдим, — деб ёзади изтироб билан муаллиф, — халққа қайси йўллиқ яхшилик қила олғайман, деб ёшлик, йигитлик даврларимни ғамғуссали кунлар билан ўтказдим... Энди ёшим саксонга етиб, қарилик юки остида букилиб туриб... келажак бўғин наслларимиз ғамхўрлиги учун шу тарихни ёзишга бошладим. Қаламим тилидан дардлик сўзларим қонли кўз ёшимга қўшилиб, бу китоб варақлари юзига тўкилмиш эди».

«Туркистон қайғуси» китоби муаллифнинг Ватан озодлиги йўлида чеккан азобларига, букилмас иродаси ва мардлик сифатларига ишончли гувоҳдир. Эътироф этиш керакки, 81 ёшда (1966 й.) қўлига қалам олиб, 88 ёшда (1973 й.) Ватан тақдири ҳақида бутун бир тарихий асарни яратиш фақат мустаҳкам иродали, ўз эътиқодига содиқ қолган кишининг қўлидан келади.

Асар ҳақида муаллифнинг набираси Увайсхон Тўра ёзган муқаддимада айтилишича, китоб бир неча йил давомида ёзилиб, ҳеч қандай боблар, бўлимларга ажратилмаган ва бир йўла тугатилган. Асар нашрга тайёрланишда мазмунига қараб 13 қисмга ажратилган.

Асарни ўқир эканмиз, изтироб билан ёзилган мана бу ҳақиқат бизни ҳам ўйга толдиради: китобдаги воқеалар тафсилоти 1938 йилгача келганида домла Соғуний ўғиллари Муҳаммадёрхон қўққисдан оққон касалига учраб, вафот қилади. Ўшанда (1973 йил август охири) муаллиф 88 ёшда эди. Кутилмаган мусибат отанинг қаддини букиб қўяди, қўлига қалам ушлаш, ижодий иш қилиш кўнглига сиғмай қолади. Лекин асарни тугатиш керак. Шунинг учун китобнинг давомини ёзиб тугаллашни катта ўғли Асилхон Тўрага топширади (Бу ўғил барча воқеаларда дадаси билан бирга қатнашган). Уч йил ўтгач, 1976 йили домла Соғуний 91 ёшда бу фоний дунёни тарк этдилар. Ёши саксондан ошганда ҳам илмий ижод билан шуғулланиш, бошга мусибат тушганда ҳам бошлаган қутлуғ ишининг маънавий моҳияти ҳақида ўйлаш олимларга ҳам, бошқа қалам аҳлига ҳам таълимий ҳолдир.

«Туркистон қайғуси» асарида бугунги Ўзбекистон ва Қирғизистонда 1920-1930 йиллари бўлиб ўтган ва қандайдир сабаблар билан тарихий китобларга кирмай қолган кўплаб воқеалар ўз тавсифини топган. Бу воқеалар, шубҳасиз, юртимиз тарихини тўлақонли англашга хизмат қилади. Китобнинг биз учун фавқулодда муҳим томонларидан бири ҳам шунда. Асарни ўқир эканмиз, эндиликда барчага маълум ва машҳур бўлиб қолган Алихон Тўра Соғунийнинг ички дунёси, руҳий олами, ватанпарварлик, миллатпарварлик эҳтироси билан янада чуқуррок танишамиз.

Домла Соғуний ўша машъум давр тақозосига кўра асарни хуфя тарзда ёзган. Чунки муаллиф китобнинг кўп жойларида мустабид совет тузумининг ҳақиқий башарасини фош қилган ва унинг моҳиятини очиб ташлаган. Советлар давлати авжи куч-қудратга тўлган ўша даврда тарихий ҳақиқат ҳимояси учун қўлга қалам олишнинг ўзи катта шижоат эди.

Келгуси йил улуғ олим ва мутафаккир Алихон Соғуний ҳазратларининг таваллудига 120 йил тўлади. Мавлоно орзу қилган истиқлол Ватанида ул зотга муносиб эҳтиром кўрсатилади.

**Сирожиддин ЗАЙНОБИДИНОВ, профессор,**
**Сайфиддин ЖАЛИЛОВ, фахрий профессор.**

# ЧАРТЕР ПАРВОЗЛАРИ ТЎХТАТИЛДИ

Май ойи ўрталарида Хитойда юз берган авиаҳалокат натижасида хавотирга тушиб қолган Хитой маъмурияти Мустақил Давлат Ҳамдўстлигидан чартер парвози билан юк ташувчи самолётларнинг мамлакатга келишини шанбадан эътиборан тақиқлади.

Хитой фуқаро авиацияси давлат бошқармаси хабар беришича, МДҲдаги авиакомпаниялар қачонки Хитой фуқаро авиацияси хавфсизлиги қоидалари бўйича қайта аттестациядан ўтсагина парвозга рухсат этилади.

Эслатиб ўтамиз: Озарбайжон-Хитой авиакомпанияси томонидан ижарага олинган Украинанинг «Ил-76» юк самолёти 18 май куни Хитойнинг Урумчи аэропортидан кўтарилгач, ҳалокатга учраганди. Натижада 7 кишилик экипажнинг барчаси ҳалок бўлган. Самолёт парвозда-лигидаёқ портлаб кетганлиги боис, юкларнинг 80 фоизи ёниб кетган. У Хитойнинг Тайюань шаҳридан Уралскка юк олиб кетаётганди.



Бостон шаҳри кўриниши

# ИҚЛИМ ЎЗГАРАДИ, ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Саёрамиз иқлими кўтарилиб бораётганлиги ҳақидаги гаплар эндиликда янгилик эмас. Бунга ҳатто кўниккандаймиз ҳам. Негаки, ҳарорат кўтарилиб бораётганлигини исботловчи илмий тадқиқотлардан ташқари табиий жараёнлар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, иқлим ўзгаришлари бўйича мутахассис Женифер Морганнинг таъкидлашича, кейинги пайтларда қушларнинг у минтақадан бу минтақага кўчиши эрта содир бўлмоқда, гуллар эса анча барвақт гулламоқда.

Айрим илмий фаразларда айтилишича, қадимда динозаврлар қирилиб кетганидек, айрим жонзотларнинг ер юзидан йўқ бўлиб кетишига айнан иқлим ўзгариши сабаб бўлади. Аниқроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, 2050 йилга бориб ҳайвонот ва наботот оламининг тўртдан бир қисми умуман йўқ бўлиб кетиши халқаро тадқиқотларда қайд этилган.

Бироқ барча олимлар ҳам бундай тушкун кайфиятда эмас. Гапнинг очиғи, иқлимнинг глобал ўзгариши ер юзида ҳаётга нуқта қўяди, деган фаразлар эндиликда пучга чиқмоқда. Сўнгги пайтларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шундан далолат бермоқдаки, иқлим исиши ҳалокатга олиб келмайди, балки янги тур жонзотлар ва ўсимликлар пайдо бўлишига туртки беради. Бунинг батафсил тафсилоти шуки, иқлим исиши натижасида ёмғирли кунлар кўпаяди. Бу эса баланд бўйли дарахтзорлар майдони ортишига сабаб бўлади. «Яшил дўстларимиз»нинг кўпайиши, табиийки, «парник гази» дея аталаётган қатламни, сайёрамиз юзасини қоплаб олган иссиқ қатламни «ютиб» юборади. Натижада ернинг атмосфераси мўътадиллашади, ўрмонзорларнинг тез ўсиши эса янги биологик турларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу фикрларни ўтган ойда австралиялик олимлар илмий асослар билан баён этишган.

Яна бир алоҳида таъкид: сайёрамизда илк иқлим ўзгариши кейинги саккиз минг йилликда юз берганлиги олимлар томонидан исботланган. Илмий изланишларда баён этилишича, одамзот қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошлаган, яъни ўз эҳтиёжлари учун ўрмонларни кесишган, кейинчалик деҳқончиликка ўрганишган, ундан сўнг эса саноатга йўл очилган. Бу эса ҳаводa «парник» ҳолатини юзага келтирувчи карбонат ангидрид гази кўпайишини бошлаб берган.

Виржиния университети олими Вильям Руддиманнинг айтишича, кейинги икки юз йилда ҳаво ҳарорати ўртача 0,8 даражага кўтарилган.

Бугунги кунда инсониятнинг асосий вазифаси табиатни асраш. Шундагина у инсониятни турли бало-қазолардан асрайди.

**Саида БОБОНАЗАРОВА**

# НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ ТЎҚНАШУВГА АЙЛАНИБ КЕТДИ

Мамлакатда бензин нархи ошишига қарши норозилик сифатида Ливан умумишчилар федерацияси Байрут жанубида намойиш уюштирган эди. Намойиш кутилмаганда Ливан армияси билан қуролли тўқнашувга айланиб кетди. Натижада, дея хабар беради Арабистоннинг «Ал-Арабийя» йўлдошли телеканали, 5 киши ҳаётдан кўз юмди, ўндан ортиғи турли даражада жароҳат олди.

# «САККИЗЛИК» САММИТИДА ҚАТНАШМАЙДИ

Шу йил 8-12 июнь кунлари АҚШда бўлиб ўтадиган «катта саккизлик» саммитида Саудия Арабистони қатнашмаслигини билдирди. Бу ҳақда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал-Фейсал «Ал-Хайят» газетасига берган интервьюсида маълум қилди. Аввалроқ Миср ҳам саммитда қатнашмаслигини билдирган эди.

Маълумки, АҚШ араб давлатлари раҳбарларини янги таҳрирдаги «Яқин Шарқнинг катта ташаббуси» билан таништириш мақсадида Саудия Арабистони, Миср, Иордания, Яман, Марокаш ва Баҳрайн давлатларини саммитга таклиф этган эди. АҚШ режаси молиявий ёрдам эвазига 25 та давлатда кенг тусдаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказишни кўзда тутади.

Иордания ва Яман саммитда иштирок этишга розилик билдирди.

# ТАҚИҚЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Шу йил мартда Нидерландияда «парранда гриппи» тарқалганлиги боис Россия парранда гўшти, тухуми ва бошқа маҳсулотлари, шунингдек, парранда озуқалари импортини тақиқлаган эди. Энди бу тақиқлов бекор қилинди.

Россия фитосанитар ва ветеринар назорати федерал хизмати раҳбари Сергей Данквертнинг айтишича, эндиликда Нидерландиядан олиб келинган парранда маҳсулотлари россиялик мутахассислар томонидан синчиклаб текширилади ва шундан сўнг истеъмолга тавсия этилади. АҚШнинг Делавэр, Мэриленд ва Техас штатлари ҳамда Хитой, Вьетнам, Япония, Жанубий Корея, Камбоджа, Тайбэй, Индонезия, Лаос, Сянган ва Покистондан парранда маҳсулотлари олиб келинишига қарши эълон қилинган тақиқловлар ҳали бекор қилингани йўқ, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

# ЭЛЧИ ЁРДАМЧИСИ ҒОЙИБ БЎЛДИ

Жанубий Африка Республикасининг Малайзиядаги элчиси ёрдамчиси Николас Шольц йўқолиб қолганлигини мамлакат ҳукумати расмий эълон қилди. Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги хабар беришича, бир ҳафтадан бери у қидирилмоқда, бироқ натижа...

Шольцни охирги марта Куала-Лумпурдаги анжуманда кўришган, дейилади Reuters ахборотида.

# САЙЛОВ 17 ОКТЯБРГА БЕЛГИЛАНДИ

Белорусия парламентининг Вакиллар палатаси (қуйи палата)га навбатдаги сайловлар шу йилнинг 17 октябрига белгиланди. Бу ҳақда республика Марказий сайлов комиссияси раиси Лидия Ермошина давлат бошлиғи Александр Лукашенко билан учрашувдан сўнг маълум қилди.

18 августдан эса республика Кенгаши аъзолиги (парламентнинг юқори палатаси)га сайлов компанияси бошланади ва у 18 ноябрдан кечиктирилмай ўтказилади.

